

IQTISODIY TADQIQOTLAR
ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
ECONOMIC RESEARCH

ILMIY JURNALI

4
2021

**TOSHKENT DAVLAT IQTISODIYOT
UNIVERSITETI**

“IQTISODIYOT” FAKULTETI

**IQTISODIY TADQIQOTLAR
(ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ,
“ECONOMIC RESEARCH)**

ILMIY JURNALI

4

2021

Toshkent

**4
2021**

**Elektron ilmiy jurnal
Научный журнал
Scientific magazine**

**IQTISODIY TADQIQOTLAR ILMIY
JURNALI**

MUASSIS

Toshkent davlat iqtisodiyot
universiteti

Tahrir kengashi raisi:

Abduraxmonov Qalandar Xodjayevich – i.f.d., prof.,
akademik

Tahrir kengashi:

Eshov Mansur Po'latovich- i.f.d., professor
Abduraxmonova Gulnora Qalandarovna – i.f.d., professor
Xudoyqulov Sadridin Karimovich – i.f.d., professor
Begalov Baxodir Abdusalovich– i.f.d., professor
Bekmurodov Adxam Sharipovich- i.f.d., professor
Vaxabov Abduraxim Vasikovich- i.f.d., professor
Maxmudov Nosir Maxmudovich- i.f.d., professor
Salimov Baxtiyor Tadjiyevich- i.f.d., professor
Mustafaqulov Sherzod Igamberdiyevich- i.f.d., professor
Jumayev Nodir Xosiyatovich- i.f.d., professor
G'ofurov Ubaydullo Vaxabovich- i.f.d., professor
Xolmo'minov Shayzaq Raxmatovich- i.f.d., professor
Amirov Lochinbek Fayzullayevich – i.f.n., PhD
Xatamov Ibodullo Sadullayevich – i.f.n., dosent
Asqarova Mavluda Turopovna– i.f.n., dosent
Xajiyev Baxtiyor Dushaboyevich– i.f.n., dosent
G'ayibnazarov Sanjar Baxodirovich – i.f.n., dosent
Kamalova Malika Nizamovna– i.f.n., dosent
Mamaraximov Begzod Erkinovich- i.f.n., dosent

Tahrir hay'ati:

Begzod O'rinov– (AQSh)
Uktam Burxanov – (Chexiya)
Bozorboy Berkinov – i.f.d. (O'zbekiston)
Mark Rozenbaum (AQSh)
Volfgang Lukas (Germaniya)
N.V.Morozov (Rossiya)
Viktoriya Vdovichenko (Ukraina)
Gulyabmir Raxmani (Afg'oniston)
Axmed Muxamed Aziz Ismail (Misr)
Kaukab Azim (Saudiya Arabistoni)
Sherqul Shodmonov (Toshkent)
Rauf Salaxodjayev (Toshkent)
Axmedjon Mamatov (Toshkent)
Ju Jengron (Xitoy)
Jou Chingjiye (Xitoy)

© ISSN 2181-4457

**IQTISODIY TADQIQOTLAR ILMIY
JURNALI**

**4
2021**

**Elektron ilmiy jurnal
Научный журнал
Scientific magazine**

Bosh muharrir:

Eshov M.P.- i.f.d., prof.

Adabiy muharrir

Xajiyev B.D.- i.f.n., dots.

Bosh muharrir o'rinbosari

Amirov L.F. - PhD

Musahhih:

Jurnal sahifalarida chop etilgan materiallardan foydalanilganda "Iqtisodiy tadqiqotlar" ilmiy jurnalidan olindi deb ko'rsatilishi shart. Tahririyat taqdim etilgan maqolalarni taqriz qilish va qaytarish majburiyatini olmagan. Maqolada keltirilgan dalillar va ma'lumotlar uchun muallif javobgar.

Veb-sayt manzili: <https://economicresearch.tsue.uz>

E-mail: economicresearchjournal@gmail.com

МУНДАРИЖА

IQTISODIYOT, INNOVASIYA VA TADBIRKORLIK NAZARIYA VA AMALIYOT		
Salimov B.T., Salimov Sh.B.	Kichik biznes faoliyatini imitasion innovasiyalar yordamida rivojlantirish.....	6
Abdullayeva M.K.	O'zbekistonda oziq-ovqat sanoati tarmoqlarida ishlab chiqarish xarajatlarini pasaytirishning asosiy jihatlari.....	11
BARQAROR IQTISODIY RIVOJLANISH: MAKROIQTISODIY YONDOSHV		
Ismoilova G.T.	Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini qayta ishlash sanoati-ning mamlakat iqtisodiyotidagi o'rni va rivojlanish tendensiyalari.....	17
Mirzarakhimova A.	Development of the digital economy in the Republic of Uzbekistan.....	25
Неделкина Н.И.	Открытость экономики нового Узбекистана: реалии настоящего и приоритеты для будущего развития.....	28
Turgunov D.T.	Макроекономические показатели в Центральной Азии за 10 лет включая в период пандемии с зонами риска.....	36
INSON RESURLARINI BOSHQARISH, IJTIMOIIY SIYOSAT VA BANDLIK		
Goyipnazarov S.B., Fayzieva M.Kh.	The assesment of the strategic roles of human resources professionals in the banking sector in Uzbekistan.....	46
Mamaraximov B.E.	Aholining demografik o'zgarishlari iqtisodiy taraqqiyotga ta'siri.....	54
Хашимова Г.А.	Положительная динамика роста рабочих мест за 2020 год.....	58
Хакимова Л.Ш.	Формированию государственной политики в сфере занятости.....	61
To'xtayeva X.F.	Xodimlar mehnat motivasiyasini kuchaytirishni takomillashtirish yo'nalishlari.....	69
TARMOQLAR IQTISODIYOTI VA REAL SEKTORNI KOMPLEKS RIVOJLANTIRISH		
Насырходжаева Д.С., Алимова Ш.А.	Проблемы развития конкурентоспособности промышленных отраслей в период пандемии.....	74
Yadgarov A.A.	Agrosug'urta-qishloq xo'jaligida iqlim o'zgarishini yumshatuvchi moliyaviy vosita sifatida.....	79
TILSHUNOSLIK VA PEDAGOGIKA: ILM-FAN RIVOJLANTIRISH YO'LLARI, MUAMMOLAR, TAHLIL VA NATIJA		
Исмаилова С.Р.	Сопоставление основы и окончания русского и узбекского языков	82

ХОДИМЛАР МЕҲНАТ МОТИВАЦИЯСИНИ КУЧАЙТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Тўхтаева Х.Ф. -

*ТДИУ, Инсон ресурсларини бошқариш
кафедраси ассистенти*

Аннотация. Мазкур мақолада ходимлар меҳнат мотивациясини кучайтиришни такомиллаштириш йўналишларининг аҳамияти ҳамда ўрни ёритилган. Ҳозирги вақтда ходимларни мотивациялашни кучайтириш нафақат иш берувчининг, балки бу ерда ишловчи ходимларнинг ҳам мақсадлари ва манфаатларига боғлиқлиги, корхонада фойдаланиладиган мотивациялаш тизимлари айнан шахснинг фаоллигига таъсир кўрсатишга интилиши, хўжалик юритишнинг ҳозирги усуллари мотивациялаш механизмларидан фойдаланиш асосида иқтисодий хатти-ҳаракатнинг янги хилини эгаллашни талаб қилиши, ҳар қандай бошқарув қарорининг муваффақияти ходимни шахсий ва умумий мақсадларга эришишга ундовчи мотивациялашнинг қўлланилаётган моделининг самарадорлиги билан бевосита боғлиқлиги каби масалалар ўз аксини топган.

Калит сўзлар. Иқтисодиёт, меҳнат мотивацияси, меҳнатни моддий рағбатлантириш, янги иш ўринлари, аҳолининг реал даромадлари, хорижий инвестициялар, миллий тўқимачилик саноати, аҳоли бандлиги, иш вақтидан самарали фойдаланиш, меҳнат интизоми, иш ҳақи.

Кириш. Ўзбекистон Республикасида макроиқтисодий барқарорлик ва барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашга йўналтирилган иқтисодий ислохотлар изчил амалга оширилмоқда. Бугунги кунда меҳнат фаолиятини бошқаришнинг мотивацион жиҳатлари бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда кенг қўлланилмоқда ва улардан ривожланаётган ташкилотларда фаол фойдаланилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисга Мурожатномасида “...**Бешинчидан**, ёшлар ўртасида бандликни таъминлаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масаласи эътиборимиз марказида бўлади. Бунинг учун келгуси йилда профессионал таълим тизими меҳнат бозоридаги талаб ва халқаро андозаларга мос янгича ёндашувлар асосида ислох қилинади. Бундан буён ишчи касблар бўйича талаб қўйишда малака асосий ўринга чиқади. Шунинг учун Ҳукумат келгуси йил 1 январдан талаб юқори бўлган ишчи касблар бўйича фуқароларнинг малака даражасини тасдиқлаш тизимини жорий этсин. Хабарингиз бор, Ёшлар форумидаги учрашувимизда ёшлар тадбиркорлиги ва бандлигини таъминлаш учун 100 миллион доллар ажратиш тўғрисида қарор қабул қилдик. Бундан ташқари, ёшларнинг бизнес лойиҳаларини кредитлаш ҳамда уларни касб-хунарга ўқитиш учун 1 триллион сўм ва 50 миллион доллар ажратилади”¹⁷ –деб таъкидлади.

Дарҳақиқат, корхонада ходимларни меҳнат мотивациясини кучайтириш, ходимни ривожлантириш, унинг касбий ва малака таркибини ҳисобга олиш, ходимга умумий ва қўшимча эҳтиёжни аниқлаш, ходимлардан маълум бир аниқ мақсадга эришиш учун йўналтириш ҳозирги куннинг энг

¹⁷ Ш.Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабрь. www.lex.uz

долзарб муаммоларидан биридир. Таъкидлаш лозимки, иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида корхона ва ташкилотларда ишловчи ходимларни режалаштириш, меҳнатни моддий рағбатлантириш, ривожлантириш муаммоси ходимларнинг шахсий манфаатларини таъминлаш билан бир қаторда мамлакат иқтисодиётида алоҳида рол ўйнайди.

Тадқиқот методологияси. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг маълумотномалари ва бошқа тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади.

Шу муносабат билан мазкур илмий мақолада Ўзтўқимачиликсаноат уюшмаси корхоналарида ходимларини меҳнат мотивациясини кучайтиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини атрофлича таҳлили қилинганлиги билан долзарб аҳамият касб этади.

Тадқиқот натижалари. Ўзбекистоннинг юксалиш даврида айнан, – ўзбек миллий тўқимачилик саноатининг мукаммал тизим сифатида шаклланиши ва дунё миқёсида тан олинишида кенг имкониятлар яратилди. Кўп йиллар мобайнида фақат пахта толасини етиштириш ва уни бирламчи қайта ишлашга йўналтирилган тўқимачилик саноати, бугунги кунга келиб мукаммал қўшилган қиймат занжирли тизимни ярата олди. Бугун ўзбек пахтаси 100 % республика ичида қайта ишланишига эришилди. Бу саноатдаги энг йирик инқилобдир.

Саноат мустақил Ўзбекистонимизнинг иқтисодиётини ривожлантиришда етакчи барқарор саноати сифатида белгиланди ва жаҳон бозорига «Made in Uzbekistan» ёрлиғи остида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар етказиб бериш ва мамлакат нуфузини оширишга улкан ҳисса қўшди. Мавжуд сиёсий тўсиқларга қарамай республикаимизнинг чекка ҳудудларида заҳматкаш халқимиз томонидан ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотлари дунёнинг деярли барча қитъаларига етказиб берилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, тўқимачилик саноати муҳтарам Президентимиз томонидан мамлакат иқтисодиётининг ривожлантириш тамойилларига тўлиқ жавоб бериб, аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, кичик бизнесни ривожлантириш, ҳудудларга хорижий сармояларни жалб қилиш, аҳолининг реал даромадини ошириш, хорижий инвестицияларни жалб қилишда етакчи ҳисобланиб, ҳозирда тармоқ корхоналари сони 8 мингга яқинлашиб 350 мингдан ортиқ аҳоли иш билан таъминланди, 3.2 млрд.доллардан ортиқ хорижий сармоялар ўзлаштирилди.

Соҳанинг яна бир ютуқларидан бири, бу пахта-тўқимачилик кластер тизимини жорий қилиниши бўлиб, шаклланиши жиҳатидан дунёда ягона бўлиб, барча халқаро ташкилотлар томонидан Янги Ўзбекистонни шаклланишидаги энг катта бурилиш сифатида баҳоланди.

Бу натижаларга эришишда энг аввало Ҳукумат томонидан тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатига қаратилаётган улкан эътибор, ва

албатта тўқимачилик саноати вакиллари ва тадбиркорларнинг меҳнати самарасидир.

Соҳа вакилларининг тинимсиз машаққатли изланишларингиз, янгилик яратишга интилишингиз, яратилган шарт-шароитлардан оқилона фойдаланиб, олдингизга қўйилган мақсад сари дадил қадам босиб барча қийинчиликларни енгишингиз бугун Тўқимачилик саноатининг ютуқларини халқаро миқёсда тан олинишга сабабчи бўлди ва “Uztextile” брендининг шаклланишига олиб келди.

Республикада кенг турдаги сифатли тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари (кейинги ўринларда тўқимачилик маҳсулоти деб юритилади) ишлаб чиқарилишини ташкил этиш, унинг ишлаб чиқарилишини маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш, шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида уюшма ижтимоий-меҳнат муносабатларини ривожлантириш бўйича масалалари Ўзбекистонда инсон манфаатларини таъминлаш мақсадларига йўналтирилган кенг кўламли чуқур ислохотлар муваффақияти мамлакат иқтисодиёти жадал суръатларда ривожланишига боғлиқдир. Бу стратегик жуда муҳим вазифани ҳал этишда ташкилотлар, жумладан, «Ўзтўқимачиликсаноат» Уюшмаси учун ҳам ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Уюшманинг ижтимоий тавсифдаги тўловлари қуйидагилардан иборат бўлган: ишловчиларни ижтимоий ҳимоялаш учун харажатлар, кутилмаган ҳолатлар бўйича моддий ёрдам, касбий тайёргарлик учун тўловлар, маданий-маиший мақсадлар учун харажатлар ва бошқа ижтимоий харажатлар.

Иқтисодиётни инновацион ривожланиш шароитида «Ўзтўқимачиликсаноат» Уюшмасида фаолиятида ходимлар меҳнат фаолияти сифатини ошириш масалаларининг пироворд мақсади- ходимларнинг иш билан банд бўлиши, иш вақтидан самарали фойдаланиш, меҳнат интизоми, ишнинг суръати ва ритмини белгилашга ёрдам берадиган ҳамда ходимлар сонини уларнинг меҳнатига тўланадиган иш ҳақи миқдорини белгилашга асос бўладиган энг асосий йўналишлардан биридир.

Ўзбекистон Республикасида таркиб топган кўп укладли иқтисодиёт турлича қобилият ва қизиқишларга эга ходимларга меҳнат соҳасида ўз ўрнини топиши учун зарур имкониятлар яратади.

Ходимнинг тайёргарлик даражаси тўғрисидаги маълумотлар унинг фаолиятини баҳолаш асосида шакллантирилади. Бунда персонални қайси йўналишларда қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш талаб этилиши аниқланади. Ходим билими, маҳорати, касбий ва шахсий сифатларини баҳолаш давомида махсус комиссиялар белгилаб қўйилган омиллар бўйича ходим иш самарадорлиги ҳамда ушбу омилларнинг ходим ўз хизмат ва касбий вазифаларини бажаришдаги аҳамиятини аттестация қилади. Ана шу текширув натижалари бўйича қайта тайёрлаш шакли ва услуби

мақсадга мувофиқлиги аниқланади ҳамда ходимга шахсий дастур асосида ўз малакасини ошириш юзасидан тавсиялар берилади.

Хулоса ва таклифлар. Ходимлар ходимларнинг меҳнат мотивациясини кучайтириш энг самарали бўлишини таъминловчи атрофлича шароит яратиш мақсадида «Ўзтўқимачиликсаноат» Уюшмаси фаолиятида ҳам ҳозирги кундаги ечимини кутаётган қўйидаги муаммоларнинг мавжудлиги амалиётни ўташ давридаги тадқиқотлар натижасида аниқланди:

- «Ўзтўқимачиликсаноат» Уюшмасида ишлаётган ходимлар маълумот даражаси, ходимларни танлаш ва жойига қўйишга алоҳида эътибор берилган, лекин меҳнат кўрсаткичларининг таҳлили ва унинг мониторинги доимий равишда амалга оширилмаган;

- «Ўзтўқимачиликсаноат» Уюшмаси мутахассислари учун яратилган меҳнат шароитлари сифатини баҳолашда ходимнинг меҳнати меъёрлари амалга оширилган натижаларни ҳақиқатлиги билан солиштириш ва камчиликларни ўз вақтида бартараф этишга етарлича эътибор берилмаган;

- «Ўзтўқимачиликсаноат» Уюшмасида меҳнат шароитларини яхшилаш, аттестациядан ўтказиш, иш ўринларини ташкил этиш ва уларга хизмат кўрсатиш, меҳнатни янада қизиқарли бўлишига йўналтирувчи креатив ёндошувларга атрофлича эътибор қаратилмаган;

- «Ўзтўқимачиликсаноат» Уюшмасида ходимлар учун меҳнат шароитлари сифатини ошириш мақсадида молиялаштирилган сарф-харажатларни белгилашда хатоликларга йўл қўйилган;

Умуман юқорида баён қилинган мулоҳаза ва хулосалардан келиб чиқиб, қўйидаги таклифларимизни берамиз:

- Уюшмасида ишлаётган персонал маълумот даражаси, персонални танлаш ва жой-жойига қўйиш ва улардан оқилона фойдаланиш, персонални меҳнат салоҳиятидан қай даражада фойдаланаётганлигини ўрганиш мақсадида доимий равишда таҳлилий ёндашувлар мониторингини ўтказиш керак;

- Уюшмада ходимнинг меҳнати меъёрлари амалга оширилган натижаларни ҳақиқатлиги билан солиштириш ва камчиликларни ўз вақтида бартараф этишга етарлича эътибор бериш;

- меҳнат шароитларини яхшилаш, иш ўринларини ташкил этиш ва уларга хизмат кўрсатиш, ички аттестациядан оқилона ўтказиш, меҳнатни янада қизиқарли бўлиш мақсади – персонал ўртасида соҳага оид “Энг яхши «Ўзтўқимачиликсаноат» Уюшмасида ходими танловларини ўтказиш зарур;

- «Ўзтўқимачиликсаноат» Уюшмасида ходимларни меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича назорат ишларини олиб бориш, молиялаштириш, сарф-жаражатлар ҳисобатларини ташкил этиш;

- «Ўзтўқимачиликсаноат» Уюшмасида касаба уюшмалари фаолиятини янада жонлантириш, моддий ва маънавий рағбатлантириш ишларини

янада такомиллаштириш, ҳақиқий иш вақти сарфлари бўйича, шуъба уюшманинг ҳар бир бўлимлари йиғинларида кўриб чиқиш зарур;

• меҳнат муҳофазаси бўлими ходимларини ташкил этилаётган қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этишда муддати (камида икки ой), малакасини ошириш ўташ объектлари, илмий –тадқиқот марказларида борилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдурахмонов Қ.Х, Меҳнат иқтисодиёти: Назария ва амалиёт /Дарслик.
2. Абдурахмонов Қ.Х, Абдураманов Х.Х. Меҳнат ресурсларини бошқариш:ўқув қўлланма.
3. «Ўзтўқимачиликсаноат» Уюшмасининг маълумотномалари ва бошқа тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.
4. www.press-service.uz (Ўзбекистон Республикаси Президенти портали)

IQTISODIY TADQIQOTLAR

ELEKTRON ILMIY JURNALI

Tahririyat manzili:

100003, Toshkent sh., Chilonzor tumani, I. Karimov ko'chasi 49-uy

Telefonlar *****